ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 25 (9.675) 2002 йил 1 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда

# «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 февраль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашиш учун Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида минтақа мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизлик, терроргчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Саммитда ўзаро ҳамкорлик бўйича бир неча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида эса Ҳамдўстлик доирасида ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш, Афғонистонда ўтказилаётган аксилтеррор операцияси, гиёвандлик ва наркобизнесга қарши кураш борасидаги ҳамда ёқилғи-энергетика соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

* * *

**Алмати. 28 февраль. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирлик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда қабул қилган Баёнотининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислом Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДҲ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар бугун, 1 мартда бўлиб ўтади.

**СУРАТДА: саммитдан лавҳа.**

**Абдувоҳид Тўраев олган сурат.**

## Баҳоринг муборак, дилбар Ватаним!

**БУГУН**



юракларга яшаш, яратиш, севиш-севилиш туйғусини солган, фасллар келинчаги — баҳор фасли яна юртимизга кириб келди. Таърифу тавсифи шоир шеърларига сиғмайдиган юртим баҳорини ҳар қанча куйласак шунча оз!

Ҳа, биз бу галги баҳорни ҳам жуда орзиқиб, соғиниб кутган эдик. Мана, ана шу орзуларимиз ушалди. Жаннатмонанд юртимизда бодом шохларига харир оқ рўмол ўраб яна юртимизга баҳор ташриф буюрди. **Ана шу баҳор фаслининг биринчи кунида кўнглимиздан кечаётган дил туйғуларимизни ифода этувчи мақолалар билан газетанинг иккинчи саҳифасида танишасиз.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

## Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг 2001 йил 21 декабрдаги 07-23-208-сонли ва 2002 йил 25 январдаги 07-07-23-сонли мажлислар қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Унга мувофиқ Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи таркиби, байрам тадбирлари режаси, шаҳар ҳудудида кўкаламзорлаштириш дастури тасдиқланди.

Туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари зиммасига бир ҳафта муддат ичида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқиш, туман ҳокимликлари томонидан доимий равишда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари давомида кўкаламзорлаштириш дастури ижросини таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли бош бошқармалари, бирлашмалари ва байрамни ўтказишга масъул бўлган бошқа мутасаддилар зиммасига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирлар режаси асосида амалга ошириш вазифалари юклатилди. Туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, бошқармалар, корхоналар, давлат уюшмалари, шаҳар «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Наврўз кунлари меҳнат фахрийлари, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юклатилди.

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **ЯПОНИЯ** ҳукуматининг мамлакатимиз таълим тизимига беғараз ёрдам дастури доирасида шаҳримиздаги 102-болалар интернатини таъмирлаш учун грант шартномаси асосида Япония элчихонаси томонидан 89 минг 973 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

❐ **ИЖТИМОИЙ** йўналишдаги республика махсус гимназияси ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирокида она тилини ёш авлодга пухта ўргатишнинг чора-тадбирларига бағишланган тадбир ўтказилди.

❐ **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Мебель» акциядорлик жамиятида фахрийлар иштирокида бўлиб ўтган хайрия тадбири Сергели тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон ХДП нинг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

❐ **ШУНИНГДЕК,** Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласида фахрийлар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири ҳам Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.

❐ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 2-«Мурувват» уйи тарбияланувчиларига «Меҳржон» васийлик кенгаши ҳомийлигида ёғ, шакар маҳсулотлари хайрия қилинди.

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Мамлакатимиз парламентида «Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, фаолияти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Республика Марказий банкида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

● Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлди.

● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқитувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Омбудсманининг фуқаролар ҳуқуқи бўйича вакили Анжей Цолл бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлди.

● Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти олимлари томонидан сўнгги йилларда нашр этилган янги китобларнинг тақдимот маросими ўтказилди.

● **Кеча** Адлия вазирлигида божхона қонунчилигини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида «Экотуризм ва Буюк Ипак йўли» мавзуида ўтказилган иккинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● Хабар қилинганидек, пойтахтимиздаги «Жар» спорт -соғломлаштириш мажмуида ўтказилган муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионатида **бугун** мусобақа ғолиблари аниқланди.

● **Бугун** «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида 1984-1994 йилларда туғилган ўғил ва қизлар ўртасида спортнинг каратэ тури бўйича республика чемпионатига старт берилди. Уч кун давом этадиган беллашувларда мингдан зиёд спортчи қатнашади.

### Жаҳонда

**Эртага** Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлган кунга ўн йил тўлади.

● Ироқ ҳукумати шу йил март ойининг бошларида қуролланишни назорат қилувчи халқаро инспекторларни давлатга қайтариш масалалари бўйича БМТ билан музокараларга тайёр эканлигини тасдиқлаган.

● Франция Президенти Жак Ширак бу ерга ташриф билан келган Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раиси Ҳамид Карзай билан музокаралардан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Франциянинг Афғонистонни тиклашга мадад кўрсатишини айтган.

● Пентагон раҳбарияти ҳозир Афғонистонда ушлаб турилган «Ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракатига алоқадор 200 нафарга яқин тутқуннинг халқаро Гаага ҳарбий трибуналида суд қилинишларини маълум қилди.

● Стенфорд университети раҳбарияти Покистонда ўлдирилган журналист Дэниель Перлнинг номи билан аталадиган фонд ташкил этишни эълон қилди.

● АҚШ мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, аксилтеррор компаниясида Грузия ҳарбийларига кўмаклашиш мақсадида 100 дан 200 нафаргача саралланган аскарларни Тбилисига жўнатиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

● Кобул шаҳрида Буюк Британия тинчликпарвар кучлари номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилди. Ҳайриятки, ҳеч ким жабр чекмади.

● Покистоннинг Синд вилоятидаги авиабазага қўнаётган чоғида АҚШ ҳаво кучларининг «С-130» самолёти ўққа тутилган. У Афғонистондаги операциядан қайтиб келаётган бўлиб, экипаждан ҳеч ким жабр кўрмаган.

● Пентагон маъмурияти Гуантанамо асирларининг 500 га яқини ҳарбий трибуналга топширилишини билдирди. Шунингдек, асирларнинг бир қисми суд қилиниши учун фуқаролигига қараб ўз Ватанига қайтарилиши мумкин.

● Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди Гана давлатига 3,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилишган.

● Россиядаги Плесецк космодромидан Ер орбитасига «Космос» номли янги ҳарбий йўлдош учирилди.

● Римда ички ишлар вазирлиги биноси олдида бомба портлади.

● Гаагада вояга етмаганларни ишлатишга қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини якунлади. Унда 50 мамлакатдан уч юзга яқин делегат иштирок этди.

● Тувада республика биринчи раҳбари лавозимига даъвогар, айни пайтда республика Олий суди ҳузуридаги суд идораси бошқармаси бошлиғи Вячеслав Даржга суиқасд уюштирилди. Кўнгилсиз бу воқеа Кизил шаҳрида юз берди. Жабрланувчи дарҳол касалхонага ётқизилди.

● **Кеча** Истанбулда зилзила содир бўлди. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 4,8 баллни ташкил этган. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчилик ҳақида маълумотлар йўқ.

# Салқин саҳарларда, бодом гулида, Бинафша лабида, ерларда баҳор





НЕЪМАТЛАР

## Кўклам гиёҳи

**Баҳорнинг жонга дармон бағишловчи кўкатлари орасида ялпиз ўзининг шифобахш хислатлари билан алоҳида ажралиб туради. У қадим замонлардан бери халқ табобатида кенг қўлланиб келинади.**

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. У овқатни ҳазм қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи, қайд қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган.

Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиққа, ўсимлик шираси эса сариқ касалига фойдали ҳисобланади.

Уй шароитида ялпизли қайнатма тайёрлаш учун қуритилган ялпиздан 5 грамм, агар сархил бўладиган бўлса 20 грамм миқдорида олиниб 200 грамм сув билан 15 дақиқа енгил аланга устида қайнатилади, сўнгра сузилиб шарбатидан кунига 2 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.

Ялпиз кўкатидан ошкўк сифатида қуюқ, суюқ таомларга зеб бериш мумкин. Ундан айни баҳор паллаларида кўкатли сомса ва чучваралар тайёрланиши инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

ИЗҲОР

# Уйғонгувчи боғларни кездим...

**Бугун серқуёш юртимизда қалбларимизни олам-олам қувончу шодликларга, ширин ҳис-туйғуларга тўлдириб сўлим баҳор фасли бошланди. Қадимдан фасллар келинчаги деб ном олган баҳор айёми шеъру достонлар, қўшиқ ва лапарларда мадҳ этиб куйланади. Бу бежиз эмас, албатта.**

Баҳор фасли бошланиши билан боғ-роғлар, кўча ва хиёбонлар, дала-қирлар яшил либосга бурканади, турфа анвойи гулларнинг ажиб ва муаттар хушбўй атри дилларга ҳузур бағишлайди. Каттаю кичикнинг қалбида баҳор нашидасидан завқланиб, илҳом булоғи қайнайди. Кимдир қўлига қалам, яна кимдир қўлига соз олади. Ҳа, ҳақиқатан ҳар юракда жўшқин наво янграйди.

Ассалом, эй, сўлим баҳор, хуш келибсан она диёримизга, дея беихтиёр ҳайқиргинг келади. Гўзалликка бурканган дала-ю қирлар, тоғлар бепоён кенгликларда баҳор ўз аксини кўз-кўз қилади. Ажиб чирою тароватга чулғанган борлиққа боқиб тўймайди киши. Бўғотларда қалдирғочларнинг чуғур-чуғури, оппоқ бўлиб гуллаган дарахтларда булбулларнинг хонишини тинглаб, баҳри дилинг очилади. Қуёшнинг иссиқ тафтидан барчанинг кўнгли яйрайди. Баҳорнинг майин шабадаси кўнгилларга ором бағишлайди. Ҳаёт нақадар ширин, нақадар гўзал кўринади. Табиат уйғонаётгани ҳаёт янгиланаётгани демак бу.

Уйғонгувчи боғларни кездим... Радиодан хонанданинг ширали овози янграб баҳорни соғиниб юракдан жўшиб куйлайди. Навбаҳорни куй-қўшиқлар билан қарши олар эканмиз, севимли ва ардоқли шоира Зулфиянинг баҳорни соғиниб, тўлқинланиб ёзган ўчмас сатрлари беихтиёр ёдимизга тушади:

**Салқин саҳарларда, бодом гулида,**
**Бинафша лабида, ерларда баҳор.**
**Қушларнинг парвози, елларнинг нози,**
**Бахмал водийларда, қирларда баҳор...**

Ҳа, ҳақиқатан баҳор қиш уйқусидан уйғонган табиатга, ҳар бир жонзоту дов-дарахтларга, қурт-қумурсқаю ердан эндигина ниш уриб чиқиб, қуёшга томон талпинаётган майсаларга жон бахш этади гўё. Мафтункор баҳордан, гулу чаманзорга айланган табиатнинг беқиёс жозибасидан завқланамиз. Баҳорнинг илк даракчилари бўлмиш бойчечак, бинафша, чучмўмаларнинг муаттар иси димоққа урилади. Шу ўринда севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари дилдан тилга кўчади:

**Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,**
**Тошқинлар киради, қалбимга маним,**
**Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,**
**Менинг, Ўзбекистон дилбар Ватаним!**

Баҳор келиши билан бободеҳқонларимиз, пахтакорларимиз далаларга чиқиб эмин-эркин меҳнат қучоғига отланмоқдалар. Мусаффо осмонимиз узра бахт ва тинчлик элчиси — варраклар мусобақаси бошланади. Баҳор нашидасидан айниқса болажонларнинг шодон ва бахтиёр кулгулари оламни тутади.

Ҳа, баҳоримиз ҳамиша яшнайверсин, қалбларимиз, орзу-ниятларимиз ҳар бир отаётган тонгимиз баҳор каби беғубор, мусаффо нурларга, гулларга тўлиқ бўлиб сафоли ва наволи бўлсин. Севимли шоиримиз Анвар Исроилов ҳам фасли баҳорга қуйидаги сатрларида завқ билан шундай таъриф берган эди:

**Кўклам диёрида чечаклар тўйи,**
**Бизники, бизники шу ажиб баҳор,**
**Ахир бу гулларга умримиз бўйи**
**Бўлмаган эдикми бизлар интизор!**

Баҳор ҳамиша қалбларимизга илҳом бериб, эзгуликлар сари чорлайверсин, она Ватанимизда тинчлик, бахтиёрлик, баҳор, Наврўз қўшиқлари янграйверсин.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Назм*

# *Насимлар нафаси хуш...*

**Кўзларимга илоҳий бир назар келди,**
**Қулоғимга жаранглаб хушхабар келди.**
**Юрагимга зафар келди, сафар келди,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**Ёмғир ёғар, ёғишлари кумуш-кумуш,**
**Дарахтларнинг япроқлари оқ қуш, кўк қуш,**
**Бинафшали насимларнинг нафаси хуш,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**Қуёш яна султон этиб сайланади,**
**Камалаклар кўкка камон — бойланади**
**Қалдирғочлар — қўриқчи қуш — айланади,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**Музлар оқди, кўнгилланди, юракланди,**
**Болаларнинг юракчаси варракланди.**
**Қабрлар ҳам гул юртидан сўроқланди,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**Тўлқин кучли тош қирғоқлар кемтилмоқда,**
**Қизғалдоқлар баландларга интилмоқда.**
**Қишнинг қора аёзлари унутилмоқда,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**Қора кўзлар, баҳор бизнинг баҳор бўлсин,**
**Тошни ёрган майса эркдан чопар бўлсин,**
**Чинакам бахт бизни излаб топар бўлсин,**
**Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.**

**ҚУТЛИБЕКА**



*Ёшлик баҳори.*

*Маслаҳатлар*

## Жонга малҳам

**Ўлкамизда баҳорнинг илиқ нафаси эса бошлаши билан кунлар исий бошлайди. Табиат уйғонади. Борлиқ ажиб гўзалликка бурканиб кўм-кўк майса-ю ўрик гулларининг хушбўйлари оламга таралади.**

Бу сўзсиз киши организмига ҳам таъсир қилади. Бекорга донишмандлар «Кўкламда илик узилади, ер одамнинг қувватини олади» дейишмаган. Ёз, куз, қишда истеъмол қилинган мева, кўкат ва сабзавотлар таркибидаги дори-дармонларнинг баҳорга борганда қуввати камаяди.

Шундай кунларда иложи борича сифатли озиқ-овқатлар, витаминга бой сабзавотлар: кўк пиёз, саримсоқ, сабзи, равоч, исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, беда, отқулоқ ва мана шундай кўкатлардан тайёрланган сомса, чучвара, манти, райҳон солинган таомларни ейиш жуда фойдалидир.

Булардан ташқари сумалак ва ҳалим каби жонга малҳам таомлар одамга куч-қувват бағишлайди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг фаолияти таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов бошқарди.**

# Ёшлар тарбияси — эътиборда

Маълумки, бундан бир ярим йил аввал ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» қарор қабул қилинганди. Ушбу қарорга асосан комиссиялар ваколати янада кенгайиб, улар ўз фаолияти давомида фақат тарбияси қийин болалар ва оилалар билан чегараланиб қолмасдан, шунингдек ўсмирларнинг интеллектуал даражаси ва оилавий шароитидан қатъи назар уларни соғлом ҳаётга йўналтириш ишларини амалга оширмоқда.

— Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, бугунги кунда аксарият мактабларда турли тўгараклар, қўшимча факультатив ўқишлар йўлга қўйилган, — деди Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислом Зокиров, — яъни ўқувчи ёшларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шаҳар комиссиясининг масъул котиби Муҳаммаджон Умаров эътиборга лойиқ натижалар кўп эканлигини таъкидлаб, ҳисобот даврида 2000 йилга нисбатан болалар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик 15,5 фоизга камайганлигини билдирди. Шундай бўлсада жойлардаги айрим комиссиялар фаолиятида камчиликлар мавжуд.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни инобатга олган ҳолда, туман комиссияларига вояга етмаганлар орасида профилактик-тарбиявий ишларни янада кучайтириш ҳамда ёшлар манфаати йўлида турли тадбирларни кўпроқ ташкил қилиш тавсиялари берилди.

# Жамоатчиликка таяниб

**Тошкент шаҳар наркотик моддалар устидан назорат қилиш комиссиясининг 2001 йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов олиб борди.**

Ушбу комиссия томонидан 7 йиллик фаолияти давомида наркотик моддаларни сотиш, сақлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Бу йўналишдаги тадбирларнинг аниқ ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан гиёвандликни, психотрон ва гиёванд воситаларнинг ноқонуний муомалада бўлишининг олдини олишга қаратилган 2005 йилгача мўлжалланган дастур қабул қилиниб, уни амалга ошириш учун давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам жалб қилина бошланди. Жумладан, ҳисобот даврида БМТнинг Марказий Осиё ваколатхонаси, гиёванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ турли профилактик тадбирлар уюштирилди.

Хўш, бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг натижалари қандай?

— Ҳар йили май-ноябрь ойлари давомида ўтказиладиган «Қора дори» тадбирининг 2001 йил якунлари бўйича нохуш ҳолатлар фош этилди, наркотик моддалар мусодара қилинди, — деди Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Абдусалом Азизов. — Аниқ режа асосида бу борадаги ишлар давом этмоқда, бироқ шуни таъкидлаш лозимки, гиёвандликнинг олдини олишда фақат ҳуқуқ-тартибот органлари кучига таянмай, кенг жамоатчиликнинг фаоллигини ҳам кучайтириш лозим.

Комиссия йиғилишида таъкидланганидек, муаммолар кўп ва уларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, биринчи галда назорат ва профилактика ишларини янада кучайтириш, юқорида айтиб ўтилганидек, бу борада жамоатчилик ҳамжиҳатлик билан ҳуқуқ-тартибот органларига кўмаклашиши лозимлиги мақсадга мувофиқдир.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати.**

# Сўранг, жавоб берамиз



***Мен I гуруҳ ногирониман. Уй-жой коммунал хизматлари учун имтиёзлардан фойдаланаман. Айтингчи, бундай имтиёздан фақат менинг ўзим фойдаланаманми ёки барча оила аъзоларим ҳам фойдаланишлари мумкинми?***

*В. Абдурасулов.*

Уй-жой коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-бандига асосан имтиёзлар амалдаги қонунчиликда уларни бериш назарда тутилган шахсга, фақат у билан бирга яшайдиган меҳнатга лаёқатсиз, мустақил даромадлар манбаига эга бўлмаган ва унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига берилади. (Республикада амалда бўлган қонунчилик билан ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар фақат унинг ўзига берилган ва унинг оила аъзоларига татбиқ этилмайдиган фуқаролар тоифаларидан ташқари).

* * *

***Менинг бир танишим ширкат хўжалигининг бошқарув раиси лавозимида ишлаб келиб, йўл қўйган қонунбузарлиги учун суд ҳукми билан уч йил озодликдан маҳрум қилиниб, икки йил синов шарти берилди ва мол-мулки мусодара қилиниб, вазифасидан озод этилди. Бироқ чамаси ярим йил муддат ўтди. У киши ўз лавозимида ишламоқда. Шу тўғрими?***

*М.Юсупов.*

Тўғри эмас. Суднинг ҳукми ёки ҳал қилув қарори кучга киришидан эътиборан ижро қилиниши шарт. Сиз келтирган мисол бўйича ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса унинг ижроси таъминланмаган бўлиши мумкин. Масалани янада ойдинлаштириш мақсадида ширкат хўжалиги вакили туман судига мурожаат қилишга ҳақли.

* * *

***Пенсионер вафот этганида, нафақаси қачонгача тўланади ва уни кимлар олиши мумкин?***

*Г.Икромова.*

Вафот этган шахс билан у вафот этгунга қадар бирга яшаб турган оила аъзолари — эри, хотини, ота-онаси, болалари нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пул у вафот этгунга қадар ўтган кунлар учун тўланади. Пенсионер вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига ёки дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик нафақа миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади. Бу ҳақда «Нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 63-моддасида кўрсатиб ўтилган.

* * *

***Куни кечагина қор-ёмғир ёғиши оқибатида йўллар сирпанчиқ ҳолга келиб, ҳайдовчилар учун ноқулайлик юзага келди.***

***Сирпанчиқ йўлларда ҳайдовчилар нималарга эътибор беришлари, машинани қандай бошқариши кераклиги ҳақида ҳам маслаҳат бера оласизми?***

*У.Носиров.*

Сирпанчиқ йўлда орқа ғилдираклари тортувчи автомобиллар кўпроқ сирпаниши ва айланиб кетишга мойил бўлади. Шундай вазиятда газдан оёқни олиб, автомобиль рулини сирпаниб кетган томонга буриш керак.

Олд ғилдираклари тортувчи автомобилларнинг олд ғилдираклари сирпаниб, автомобилнинг олд қисми сурилиб кетиши мумкин. Бу ҳолда автомобилнинг газ педалини босиб, рулни тўғри тутишга ҳаракат қилиш керак.

Тўртала ғилдираклари ҳам тортувчи автомобилнинг олд ғилдираклари сирпанчиқ йўлда йўл билан «тишлашиш» хусусиятини дарҳол йўқотади, фақат орқа ғилдираклари автомобилни суриша давом этади. Бундай ҳолда, рулни тўғри ҳолатда тутишга ҳаракат қилиш керак. Умуман олганда, автомобилларни сирпанчиқ йўлда бошқаришни анчагина машқ қилишингиз талаб қилинади.

**Жавоблар ҳуқуқшунос Абдужалил ҲАСАНОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Қадимдан қабристонларни кезиш одатим бор. Ўтганларни эслаб улар руҳини шод этиш ниятида қиламан бу ишни. Зеро биз тириклар учун бу ёруғ оламдан кўз юмган бандаи мўминларни хотирлаш инсонийлик бурчимиздир. Яқинда яна йўлим тушиб қабристонга бордим. Хаёлан қабрларга назар ташлайман. Мунғайган тупроқ остида не-не инсонлар ётибди. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз. Бой-бадавлат ва оддий меҳнаткашдан тортиб олиму фузалоларгача бор. Қарангки, уларнинг қабрлари бир хил, лекин устиларига ўрнатилган қабр тошлари ҳар хил. Бу қимматбаҳо тошларни бир-биридан фарқлай туриб ҳатто зиёратгоҳ аталмиш мозористонда ҳам баъзи кимсалар томонидан худди ҳаётдагидек ким ўзарлик, манманлик «ўйини» ўйналаётгандек туюлади.

Ўтганлар руҳини ранжитмаган ҳолда шу ҳақда бир-икки оғиз сўз юритсам фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман. Бизда волидаю муҳтарамаларимиз, падари бузрукворларимиз, ака-ука, опа-сингил, фарзанду қобилларимиз, умуман яқинларимизнинг қабрини обод қилишдек яхши бир одат бор. Албатта бу ҳар қанча мақтовга, ибратга лойиқ хислат. Лекин бу дегани қабрларни асъасаю дабдабали тошлар билан беза, қабр устида шундай бир шоҳона қаср ятатгинки, кўрганлар ҳайратда қолсин дегани эмас. Балки бу қабрни озода сақла, вақтивақти билан зиёратга чиқиб унинг атрофини супуриб-сидириб, ҳар хил ўт-ўланлардан тозала, энг азизу мукаррамаларинг ётган гўристонни обод қил дегани. Қолаверса муқаддас китобимиз Қуръони карим, Ҳадиси шарифда ҳам бу ҳақда ибратли сўзлар айтилган.

Мана ёнма-ён жойлашган иккита қабр. Улар олдида бир зум тўхтаб хаёлга толаман. Бири соддагина, лекин озода, фариштали. Иккинчиси тепасида баҳайбат мармар тош. Унда марҳумнинг бўйбасти билан туширилган сурати жойланган. Илло марҳумлар ҳақида ножўя сўз айтиш куфр бўлса-да бу икки қабр «эгаси»ни яхши билганим учун шу хусусда гапиряпман. Улар ҳаётда тенгқур бўлишган. Дўст тутиниб бир майизни тенг бўлиб ейишган. Ҳатто уларнинг ўлимлари ҳам бир кунга тўғри келди. Тасодифий фожиа туфайли оламдан баравар кўз юмишди. Қарангки, ҳаётда тенг яшаган инсонларнинг қабрлари бандаликни бажо келтирганларидан кейин бир-биридан айро, тубдан фарқланиб турибди. Бунисига нима дейсиз? Катта рўзғордан орттириб фарзанди қобили қабрига ақалли мўъжазгина ёдгорлик ўрната олмаган ота-она ёнидаги дабдабали қабрни кўриб кўнгли ўксимайдими?

Келинг, яхшиси, файласуф шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги ибратли байтларини келтириб қўя қолайлик.

**Дўстлар, тирикларни авайлаб сақланг,**
**«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг.**
**Ўлганда минг бор йиғлаб тургандан,**
**Унинг тиригида бир соат йўқланг.**

Ўйлайманки, бу мисраларнинг маъносини дилдан чаққан киши гап мағзини тўла тушуниб етади. Зеро, бу мавзу устида сўз юрита туриб унинг мен ўйлаганчалик жўнгина эмаслиги, балки кенг қамровли эканлигини пайқаб қолдим. Бу ҳақда сиз нима дейсиз азизлар?

## ХУСУСИЙ ТЎХТАШ ЖОЙИ

«Эски Жўва» бозорига дуо кетган. У ҳамиша гавжум бўлади. Баъзида машиналар у ёқда турсин, ҳатто оёқ қўйгани жой topolмай қоласан киши. Айниқса тиғиз пайтларда бозорнинг ёнгинасидан ўтган машина йўли ва шу ерда жойлашган тўхташ жойида ҳаракатланиш имкони бўлмай қолади. Бирбирига тўқнаш келган машиналар на олдига силжийди, на орқага.

Бир вақтлар бу ерда машиналар тўхташ жойи бир томонлама эди. Ўшанда бу йўл бироз тартибли, транспорт ҳаракатида ортиқча асабийлик бўлмасди. Сабаби кўчанинг бир томони очиқ эди. Лекин баъзи ҳайдовчилар ва тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик билан кўчанинг иккинчи томонида ҳам машиналар тўхташ жойи пайдо бўлгач аҳвол анча мушкуллашди. Бора-бора қўлбола тўхташ жойи кенгайиб, ҳаракатланиш учун ноқулайлик туғилди. Бунинг устига бу жойларни ўроқда йўқ, машоқда йўқ «тадбиркорлар» ўзларича бўлиб олишиб, пул топиш манбаига айлантиришган.

Рўзғорчилик, яқинда набирам билан бозор-ўчар қилгани машинамизда «Эски Жўва» бозорига келдик. Кўчанинг нариги тарафидан ўрин топиб аранг машинамизни тиқиштирдик.

— Пуллик тўхташ жойи тинч эди-да бобо, беxавотир бозор айланардик. Ҳаркалай қаровсиз ерда машинани қолдириш хавфли-да, — деди набирам машина турган жойидан кўнгли тўлмай.

— Ҳа, энди жой бўлмаса нима қиламиз. Тезроқ битириб чиқамиз-да бозорни.

Бобо ва набира шошиб-пишиб бозордан чиқдик. Не кўз билан кўрайликки машинанинг ён томон ойначасини кимдир суғуриб олиб кетибди. Сўрабсуриштириб турсак бир йигит ёнимизга келиб:

— Кетаяпсизларми, — деб сўраб қолди. Тасдиқ ишорасини билдирган эдик у тўсатдан:

— Ундай бўлса жой ҳақини тўлаб кетинглар, — деб биздан пул талаб қилди.

Эътироз билдирдик.

— Қанақа бу назоратсиз тўхташ жойики, машина ойнасини биров олиб кетса ҳеч ким жавоб бермаса-ю тўхташ жойи учун пул талаб қилсанглар.

Шунда бояги йигит:

— Биз машина назорати учун кафолат бермаймиз. Тўхташ жойи учун эса ҳақ оламиз, холос, — дейди жилмайиб.

Ади-бади айтишиб ўтиришни эп топмай:

— Яхши, бўлмаса талон ёзиб беринг, — десак, йигит:

— Бизда талон бўлмайди. Бу хусусий тўхташ жойи, — деди ўдағайлаб.

Тавба, энди бу қанақаси бўлди? Ҳеч қандай жавобгарликсиз хусусий тўхташ жойи-я. Сиз шунақасини эшитганмисиз? Ахир бундай «тадбиркорлар» устидан назорат қилувчилар борми ўзи?

## АСЛ БАҲОСИ НЕЧА СЎМ?

Қаричилик — бекорчилик. Бўш вақтларимда кўпинча китоб мутолааси билан шуғулланаман. Буни кўриб кампирим: «Ҳой чол, нима, ўқиб энди олим бўлармидингиз?» дейди кесатиб. «Шайтанат» романининг учта китобини шу тарзда ўқиб чиққанман. Шу китоб асосида республика Ички ишлар вазирлиги ҳомийлигида телевидение ижодкорлари томонидан яратилган икки қисмли видеофильмни мириқиб томоша қилдик.

Яқинда «Шайтанат»нинг тўртинчи китоби чиқибди деган гапни эшитиб қолдим. Одатим бўйича шаҳар кезиб юрсам янги «ТошМИ» олдидаги растада қидириб юрган китобимни учратиб, хурсанд бўлиб кетдим. Сотувчига:

— Анаву китобингизни бир кўрсатинг, бўтам, — дейишим билан у китоб таърифини қила кетди:

— О, отахон. Бу китобни ўқимабсиз, дунёга келмабсиз.

Сўраб-суриштирсам ўзи чала-ярим ўқиган бўлса керак, боғ қолиб тоғдан келяпти.

— Мана, бир мириқиб ўқинг, — у шундай дея китобни қўлимга тутқазди. Варақлай туриб нархини сўрадим.

— 1500 сўм.

— Жуда қимматку, бўтам, — дея китобни қайтариб бердим. Бахтимни қарангки, шу куни «Беруний» метро бекати олдидаги растада ҳам шу китобдан бор экан. Бу ерда унинг нархини 1400 сўм дейишди. Икки хил жойда икки хил нарх. Балки бошқа китоб дўконидан яна ҳам арзонроққа харид қиларман бу китобни, деб йўл-йўлакай бошқа дўконларга ҳам кириб ўтдим. «Ўрда» бекати яқинидаги китоб растасида унинг баҳоси 2 минг сўм экан. Ҳувайдо кўчаси яқинидаги дўконга кирсам 1562 сўм деб ёзиб қўйилибди китоб устига.

Тушунмай қолдим. «Шайтанат» китобининг асл баҳоси неча сўм ўзи?

**Зийрак БОБО**

1 МАРТ — ЖАҲОН ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ КУНИ

# Эзгу мақсад йўлида

**Кейинги йилларда фавқулодда юз берадиган ҳодисаларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса бу борада шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг фаолияти эътиборга лойиқдир. Биз Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромовдан бошқарма фаолияти ва олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

—Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 1996 йилдан бошлаб шаҳримиз аҳолисини бундай нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, огоҳлантириш ва бартараф этиш йўлида кенг кўламдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган вақт ичида бошқармамиз шаҳар ҳудудида жойлашган ўта муҳим ва тоифалаштирилган, кимёвий-портловчи, ёниш хавфи бор барча объектларда ҳалокатли ҳодисалар ва террорчилик актларининг содир бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширишга, фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштиришга ҳамда пойтахтда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш ҳудудий қуйи тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлида фаолият олиб борди.

Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, жонкуярлиги ва бирон воқеа ёки табиий ҳодисага эътиборсиз қарай олмаслиги ишимизда жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари республикамизда фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими яратилганлиги (1997 йил) ва амалда фаолият кўрсатаётганини эътироф этиш лозим. Шу ўтган вақт мобайнида 10000 дан ортиқ фуқаро муҳофазаси раҳбарлари ва 12000 дан ортиқ тузилма сардорлари тайёргарликдан ўтказилди ва жойларда фуқаро муҳофазаси бўйича аниқ режа асосида иш олиб бормоқдалар.

Нохуш вазиятлар юзага келтираётган талафотларни камайтириш, ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг ягона йўли эса аҳолининг барча табақалари ўртасида кенг миқёсдаги ўқув-тайёрлов ишларини амалга оширишдир.

Ҳар биримиз яшаш жойимиздаги табиий шароит, технологик жараён нечоғлик ривожланганлигига қараб қандай хавф бўлиши мумкинлигини билишимиз, соғлом турмуш тарзимизга таҳдид қилаётган ҳам ички, ҳам ташқи хавфларнинг сабабини билиш ва улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қоидаларини амалиётга тадбиқ этишимиз зарур.

Бунинг учун, аввало тарбияни оилада олиб бориш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва институтларда Фуқаро муҳофазасига оид билим бериш, аҳолининг ҳеч қандай ишламайдиган қисмига матбуот воситалари ва суҳбатлар орқали олиб борилса янада яхши натижаларга эришган бўлардик.

Қутқарув хизматининг янада мустаҳкамланиши ва моддий-техник базаси кучайтирилиши йўлида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ шаҳримизда маҳаллий бюджет ҳисобидан Ўрта Осиё минтақасида ҳали ҳеч қайси мамлакатда тузилмаган «Қутқарув хизмати»нинг ташкил этилиши самарали ишларга омил бўлди. Ушбу хизмат кўплаб тажрибали ва малакали қутқарувчилардан ташкил топиб унинг асосий вазифаси шаҳар ҳудудида ҳаёти хавф остида қолган, жабрланган ёки фавқулодда вазиятларга тушиб қолган инсонларга ёрдамга келиш, фавқулодда вазиятлар таҳдиди содир бўлганда уларни бартараф этиш, қидирув-қутқарув ишларини бажариш ва шу каби кўп бошқа вазифалардир.

**Ўткир САИДОВ суҳбатлашди.**

## Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни қўрқмай бартараф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Ҳусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳикоят: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнта келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимоқда.

Чумоли бу сўзни эшитиб кулди ва:

— Мардлар юкини гавда қуввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билаги билан ташийдилар, — деди.

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду, ичи бўм-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштардек санчилади.

Ҳикоят: кўр киши қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-баравarку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгил кўзи кўр бехабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўймагайсан.

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб, ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардман одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

Байт:

**Оқиллар наздида сукут сақлаш одобдур,**
**Лек савол ташлаганда сўз демоқ ижобатдир.**

● Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

● Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

● Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

● Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий»-да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳакимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқрор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзидан ҳам ўрнак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

● Парҳезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сақланади, ғийбат ва ёлғондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб, шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

● Бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

● Вафолик кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқидиллигидан нишонадир.

● Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зиён-заҳмат етказади, ҳақ йўлдан юрмайди.

Байт:

**Оғзига келганин демак нодоннинг иши,**
**Олдиға келганни емак ҳайвоннинг иши.**

### ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

## БАҚҚОЛ ҚИССАСИ

Ривоят қилибдурларки, Фазл Саҳлнинг бошига давлат қуши қўнмасдан аввал, у бағдодлик бир баққол билан дўст тутинган эди. Баққолнинг номини Худобард деб атардилар. Фазл Саҳл ҳар вақт Бағдодга келса, албатта баққолнинг олдига борар ва баққол ҳам унинг йўлига пешвоз чиқиб, сидқидил билан хизматда бўларди.

Ниҳоят, бахт Фазл Саҳлга кулиб боқди ва у Маъмунга вазир бўлиб тайинланди. Бироқ тақдирнинг хилма-хил найранглари авжга чиқиб, Фазл Саҳлнинг бошига бахт қуши қўнганда, баққолнинг иши инқирозга юз тутди. Баққол тижорат бобида ҳарчанд ҳаракатлар қилмасин, барибир фойдаси бўлмади. Қайси матони олмасин, касод бозорида сарсон бўлаверди. Ниҳоят, бора-бора давлатмандлик дарвешликка мубаддал бўлди.

Баққол тирикчилик зарурати юзасидан Бағдоддан чиқиб Хуросонга юз ўгирди ва Фазл Саҳл ҳузурига ташриф буюрди. Фазл Саҳл баққолнинг келганидан хабар топиб, дарҳол уни ўз ҳузурига таклиф қилди ва кўп илтифотлар кўрсатди. Баққолга шоҳона кийимлар инъом қилди. Баққолнинг шарафига катта зиёфат берди. Зиёфатга йиғилганларга баққолни таништираркан: «Бу менинг биродарим ва энг яхши дўстимдир», деди. Шундан сўнг унга икки юз минг динор инъом қилди ва ўзининг хос анжуманларида энг яқин маслаҳатгўйларидан бирига айлантирди.

Кунлардан бир кун баққол одати бўйича Фазл Саҳлнинг ҳузурига кирди ва уни ғамгин аҳволда кўрди ва ундан паришонхотирликнинг сабабини сўради.

— Ҳозир бизнинг лашкарларимиз Бағдоддадир, — деб жавоб берди Фазл Саҳл, — айни душман бошқа томондан бизга ҳужум қилиб келмоқда. У томонда эса душманга баробар келадиган даражада лашкаримиз йўқдур.

— Вазир бу борада ғамгин бўлмаса ҳам бўлади, зеро бугун осмон ҳам бу давлатнинг равнақи учун ҳаракатда ва фалак ишбошилари камарбастадирлар. Сенинг биргина ишоратинг кифоядир, барча душманлар ер билан яксон бўлурлар. Агар буюрсанг, мен бориб, бу мушкулотни сенинг бошингдан даф қилай.

Саҳлга баққолнинг фикри маъқул тушди ва ўзича ўйларкан, яхшиси, уни лашкар билан жўнатай, агар душманга ғолиб келиб уни ер билан яксон қилса, мурод ҳосил бўлгай, агар иш аксинча бўлган тақдирда ҳам... У баққолга камоли ишонч юзасидан бошқа ҳаракатни қилмади ва лашкарбоши, паҳлавонлар ҳамда лашкарни йиғмади. Баққолни бир гуруҳ аскар билан душманга қарши юборди. Баққол душманга яқинлашгач, ўз аскарларига мурожаат қилди: «Сизларга маълум бўлгайки, сизлар ҳаққоният иши учун бормоқдасизлар. Душман эса адолатсизлик йўлидан кетмоқда. Адолатсизликнинг умри эса қисқадир. Ҳар ким душманни банди қилиб менинг олдимга келтирса, ул кишига юз минг динор инъом қилурман».

Бу сўзни эшитган аскарлар душманга баробар ёпирилиб ҳужум қилдилар. Бу ҳужумда душман аскарлари тормор қилиниб, лашкарбошини боғлаб, баққолнинг олдига келтирдилар. Баққол Фазл Саҳл ҳузурига мактуб йўллади. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди: «Амирга маълум бўлгайки, мен бозор кишисидурман, фатҳнома ёзишни уддасидан чиқа олмайман ва лекин шуни билдираманки, мактуб ортидан ўзим ҳам етиб борурман ва душман бошлиғини боғлаб олиб боргайман, вассалом».

Фазл Саҳл мактубни ўқиб зиёда хурсанд бўлди ва амирулмўминингa хушхабар етказди.

Дебдурларки, ўша кеча Фазл Саҳл туш кўрибди; гўё Худобард баққолнинг фатҳи Фазл Саҳлнинг баққолга қилган яхши аҳду паймонидан эмиш. Зотан, ҳар ким яхши аҳду паймон билан ўз давлатидан дўстларни сарфароз қилса, у кишининг ўзи ҳам, болалари ҳам эзгу фазилатлар билан таъминлангай.

### МУҲАММАД АВФИЙ

## ЖАВОМИЪ УЛ-ҲИКОЁТ

## МУОВИЯНИНГ РОЗИ

Валид Утайба дейдики, кунлардан бир кун Муовия менга бир сирни айтди ва ҳеч кимга айтмаслигимни таъкидлади. Уйга келиб отамга дедим: «Муовия менга бир сирни айтди, агар маслаҳат кўрсангиз, ҳузурингизда айтай!..» Отам менга рад жавобини бериб, деди:

— Эй ўғлим, ҳар ким бировнинг сирини сақласа, хоҳлаган пайтида бировга айтиши мумкин. Аммо сирни бировга айтиб қўйганингдан сўнг, сир унинг ихтиёридан чиқади ва уни ўз тасарруфига қайтариб ололмайди. Яъни сирни қайта сақлай олмайди.

— Ота билан фарзанд ўртасида бундай ҳол юз бермаса керак.

— Шундайку-я, аммо тилинг бировнинг сирини фош қилишини раво кўрмайман!..

Эртаси кун Муовиянинг олдига бориб, отам билан бўлган воқеани гапириб бердим. «Ўз ўғлини шундай хатодан қайтарган отага минг раҳмат!..» деди Муовия.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

### БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## «В» ҳарфли бошқотирма




**Ёйлар бўйича:** 1. Марказий осиёлик машҳур адиб «Бадоеъ ул—вақоеъ» («Нодир воқеалар») асари муаллифи. (4). 2. Севишганлар учрашуви. (3) 3. Бўлиб ўтган ҳодиса. (3). 4. Нефтдан олинадиган мойсимон модда, саноат ва табобат ашёси. (7). 5. Ёзувчи Вали Ғофуров романи. 6. Немис иқтисодчиси ва социологи. 7. Польшадаги дарё, Одра ирмоғи. (4). 8. Барий ва унинг тузларидан иборат, карбонатларга хос маъдан. 9. Тирик мавжудот учун зарур моддалар мажмуи. (2). 10. Литва ва Латвия ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё. 11. Асосан Марказий Европадаги давлатда яшовчи миллат. 12. XVI асрда яшаб ўтган уйғониш даврининг машҳур анатоми. (5). 13. Италиянинг шимоли шарқидаги вилоят. 14. Булғориялик машҳур башоратчи аёл. (5). 15. Тоғ ёки сойликлар билан ўралган ҳудуд. 16. Ўрганиш ва тажриба ўтказиш мақсадида ҳайвонлар асраладиган жой. 17. Фузулийнинг издоши озарбайжон лирик шоири. 18. Мамлакатдаги бирор соҳани бошқарувчи лавозимлик киши. (2). 19. Яратган томонидан пайғамбарга Жаброил фаришта орқали келтирилган хабар. 20. Европадаги папа — шаҳар давлати жойлашган қароргоҳ. 21. Руминия жануби Карпат тоғлари билан Дунай дарёси оралиғидаги ҳудуднинг тарихий номи. 22. Лена дарёси ирмоғи. 23. Фарғона вилоятидаги чинорзорлар маскани. 24. Кумуш ранг, мўрт металл. 25. Бирор ташкилот, давлат номидан иш юритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. (5). 26. Аралаш толалардан тўқилган газлама. 27. Салобат, ғурур. 28. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир.

**Муаммонома**

Қуйидаги рақамлар юқоридаги сўзлар тартибини англатади. Уларни сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги тартибдаги жавоб сўзлари ҳарфи билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. 7; 1; 12; 4; 9. 2; 14; 3; 25; 18. Улардан аён бўладиган ҳикмат Луқмони ҳаким меросига мансуб.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

### Газетанинг шу йил 8 февраль сонида берилган «Алишер Навоий мадҳи» муаммономасининг жавоблари:

**Очқич сўзлар:** 1. Шопур. 2. «Навоий». 3. Тўти. 4. Баҳром. 5. Девон. 6. Аруз. 7. Ашъор. 8. Халқ. 9. Чин. 10. Эмас. 11. Ким.

**Таъриф:** Алишербек назири йўқ киши эди туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома».

### Газетанинг шу йил 13 февраль сонида «Зеҳнингизни синаб кўринг» ўйланмасининг жавоблари:

**Очқич сўзлар:** 1. Гулбаданбегим. 2. Яхши. 3. Баҳор. 4. Қаро. 5. Кўнгул. 6. Эй. 7. Фориғ.

**Ҳикмат:** Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ.

Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.
Бобур



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-222. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.30 1 2 3 4 5 6

